

Оксюморон ва унинг услубий - семантик хусусиятлари

Умидахон Носирова Икромовна -

**Фарғона ВХТХҚТМОИ “Тил ва адабиёт
таълими” кафедраси катта ўқитувчиси**

Ўзбек тилида гап бўлақларининг номанткий боғланиш усулларининг аҳамияти жуда катта бўлиб, улар бадий асар тилининг таъсирчан ва сержилолигини ошириш, образ ва воқеа - ҳодисалар тасвиридаги бўёқдорликни кучайтириш учун хизмат қилади. Сўзларнинг номанткий боғланиши натижасида янги бир маъно вужудга келади.

Ўзбек тилида сўзларнинг номанткий боғланиш усулларининг бир неча турлари мавжуд бўлиб, улардан сермахсул ва кўп қўлланадигани оксюморондир.

“Оксюморон - юнонча сўз бўлиб, бир-бирига мос келмайдиган икки лексик birlikнинг уйғунлашувини англатади. Оксюморон янги тушунча ва тасаввурларни ҳосил қилади”. (А.Квятковский. «Поэтический словарь» 181-бет.)

Оксюморон, асосан, аниқловчи ва аниқланмиш ўртасида намоён бўлади. Масалан: кадрдон бегона, ширин азоб, ақлли жинни, тирик мурда, ёвуз меҳрибон, ақлли ахлоқ ва ҳоказо.

У ёруғ дунёда
Тенги йўқ инсон,
Қадрдон бегона,
Ёвуз меҳрибон.

(М.Юсуф.)

Келтирилган мисоллардан бири “кадрдон бегона” ҳодисасини таҳлил қиламиз: “кадрдон” ва “бегона” сўзлари маъно жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши сўзлар ҳисобланади, лекин бу икки қарама-қарши маъноли сўзнинг бири аниқловчи, иккинчиси аниқланмиш сифатида келиши янги бир маънони юзага келтиради.

Бундай ҳодисада сўзларнинг жойлашуви катта аҳамиятга эга, чунки аниқловчи билан аниқланмишнинг ўрни алмашса, бутунлай тескари маъно юзага келади: “қадрдон бегона” деганда бегона инсонлар ўртасидаги яқин муносабатлар; “бегона қадрдон” деганда қадрдон бўлса ҳам, инсонлар ўртасидаги узок, муносабатлар тушунилади.

Демак, аниқловчи ва аниқланмиш ўртасида юзага келган номантиқий боғланишда асосий эътибор аниқловчига қаратилади, чунки аниқловчи орқали аниқланмишнинг маъноси очиб берилади. Аниқловчи билан аниқланмиш ўртасидаги муносабат натижасида кутилмаган янги бир маъно юзага келади. Бу эса тасвирга эмоционал бўёқ бахш этади.

Бадиий адабиётда оксюморонлар образ ва характерларнинг ижобий ҳамда салбий фазилатларини очиб беришга хизмат килади. Мисол учун М.Юсуфнинг «Қора қуёш» достонини оламиз:

Менга жуда азиз
Унинг сиймоси,
Бир қарасам,
Йўқдек сира қиёси.
У бир бағридарё,
Бир бағритошдир,
У бир қуёш
Аммо -
Қора қуёшдир!

Шоир “Қора қуёшдир!” мисрасида лирик қаҳрамонни қуёшга қиёсламоқда, бироқ, табиатда Қуёш қора эмас, сариқ рангда бўлиб, оламга тенг нур таратади. Барча тирик жонга иссиқлик қувватини бериб, ҳаёт бахш этади. Нима учун шоир достонда қуёшни “сариқ” эмас, “қора” деб тасвирлаган? - деган савол туғилади.

Шоир қуёшни “сариқ” эмас, “қора” рангда тасвирлаб, лирик қаҳрамон характеридаги салбий томонларни «қора» сўзи замирига жойлаган. Асарнинг

мазмун-моҳиятини усталик билан “Қора куёшдир!” оксюморони орқали очиб берган.

Оксюморонлар прозада ҳам бутун бир катта матннинг мазмунини очиб беришга хизмат қилади. Шунинг учун айрим ёзувчи ва шоирлар ўз асарларига сарлавҳа сифатида олганлар. Жумладан, А.Қаҳҳорнинг “Бошсиз одам”, “Думли одамлар”, Ғ.Ғуломнинг “Тирилган мурда”, Э.Воҳидовнинг “Олтин девор”, О.Мухторнинг “Тошдан бош” асарлари ва шунга ўхшаш кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

А.Қаҳҳорнинг “Бошсиз одам” ҳикоясида асар қаҳрамони Фаҳриддин ўз ақли билан эмас, отасининг айтганлари билан иш қилади:

- Ма, йўлдан майда-чуйда ол. Кирганингдан кейин аввал сўра, енгил бўлса «хайрят» дегин. Сенинг йўқлигинг учун уйда тура олмаётибман. Ёмон бўлар экан, дегин. (А.Қаҳҳор “Бошсиз одам” ҳикоясидан)

Бундай ақлсиз, фикрсиз, ўз гапини топиб гапира олмайдиган қаҳрамон тасвирланган асарга ёзувчи ихчам, лунда қилиб “Бошсиз одам” деб сарлавҳа қўяди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, оксюморонлар ҳажми ихчам, услубий жиҳатдан таъсир кучи беқиёс бўлган, тасвирий воситалардан биридир. Тилда номантиқий боғланишнинг бундай усули матннинг таъсирчан ва сержилолигини оширишга, матннинг мазмун-моҳиятини юмористик-сатирик бўёқ, остида, қисқа ва лўнда сатрларда очиб беришга хизмат қилади.

